

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида автомобиль транспорти муҳим аҳамиятга эга. Албатта бу борада мамлакатимиздаги автомобиль транспорти соҳаси ва автомобилсозликнинг ривожланаётганини мисол қилиш мумкин. Автомобилларнинг сони ортиши билан бир қаторда уларнинг атроф муҳитга бўлган салбий таъсири ҳам ортиб боради. Бундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳам кундан кунга кўпаймоқда ва атроф муҳитга чиқарадиган ташланмалари ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида барча соҳадаги ишлаб чиқаришлар, хизмат соҳалари ҳамда автомобиль транспорти соҳасидаги экология ва атроф муҳит муҳофазаси йўналишида юксак билим ва кўникмаларига эга бўлган кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Шу муносабат билан "Экология ва атроф муҳит муҳофазаси" йўналиши бўйича таълим олиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқариш корхоналари; Атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат назорат ташкилотлари; Автотранспорт корхоналари; Транспорт-логистика корхоналари; Экологик илмий-тадқиқот марказлари; Экологик илмий-ишлаб чиқариш корхоналари; Олий ва ўрта махсус таълим тизими; Давлат бошқарув органлари, Чиқинди ва уларни қайта ишлаш корхоналари.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Мухандис-эколог; Эколог-назоратчи; Эколог-маслаҳатчи; Автомобилларни экологик кўрикдан ўтказиш бўйича мутахассис; техник хизмат кўрсатиш ва диагностика воситалари мутахассиси; эколог-мутахассис лавозимида ишлаши мумкин.